

# Ғалаба омиллари

﴿ أسباب النصر والتمكين ﴾

[الأوزبكي - Uzbek - Ўзбекча]

Абдулвадуд Аҳмад

2009 - 1430

islamhouse.com

# ﴿ أسباب النصر والتمكين ﴾

« باللغة الأوزبكية »

عبد الودود أحمد

2009 - 1430

islamhouse.com

# Ислом Нури

## Маколалар

### Нусрат ва тамкийн сабаблари

---

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*

Алхамду-лиллаҳил Маликил Жаббарил Мутакаббирил Ковиййил Матийн, вас-солату вас-саламу ʔала саййиди валади аднани вал ʔаламийн, коидис-сохабати вал-мужаҳидийн...Муҳаммадинил амийни ва ʔала ва алиҳи ва сохбиҳи ва атбаъиҳи ажмаъийн...

Амма баъд: Азиз биродарлар!

Ушбу номани мен сизларга баъзи мусулмон дўстларимизнинг кўзларидаги ёшларни артганимдан сўнг, покиза юзларга чизилиб колган кайгуларга тасалли айтганимдан ва дардли, махзун битиклар ила танишганимдан сўнг етказмокдаман... Кулогимга пичирлаган овоз эшитилади: “Аза.. Муъминларга хозир аза ...”

Шунда мен айтаманки: “Йўк, балки хушхабар... Хушхабар бўлсин сизларга...” **“Энди менинг ишим чиройли сабр килмокликдир. Сизлар сўзлаётган бу нарса (айрилик-мусибат) устида ёрдам сўраладиган зот ёлғиз Аллохдир» (Юсуф, 18)**

Ушбу хушхабарни сизларга муъминларнинг калбларини хотиржам килмок ва у билан кофирларни жазавага туширмок учун етказмокка жазм этдим... Ва уни **«Нусрат ва тамкийн (муваффақият) сабаблари»** деб номладим....

Азиз дўстларим, **“Куфрга қарши курашда (сустлашмангиз) ва гамгин бўлмангиз! Агар хақикий иймон эгалари бўлсангиз, сизлар устун бўлгувчидирсизлар”.** (Оли Имрон, 139)

Аллох субханаху ва таъоло Ўз Китобида нусрат (ёрдам, галаба) нинг сабабларини баён қилиб қўйгандир. Агар, унинг аскарлари у сабабларни маҳкам тутсалар, албатта голиб бўлгувчидирлар. Мана ўша- Мусаббибил асбаб (сабабларни пайдо қилувчи) Зотнинг Каломидан баён этадиганимиз, баъзи нусрат сабаблари:

1) Холис ният ва аниқ мақсад: Аллохнинг сўзи далилки, **«То фитна тугаб, бутун дин Аллох учун бўлгунга қадар улар билан урушингиз!»** (Бақара, 193)

2) Ибодатларга сабр. (Яъни, нафсни ибодат қилишга чиниктиришдаги сабр)

3) Сабр қилишда душманлардан устун бўлиш.

4) Ибодат ва саботда давомий бўлган ҳолатда курашга шай турмоклик.

5) Барча иш ва ҳолатларда Аллохдан такво қилишлик. Буларга Аллохнинг сўзи далилки, **“Эй мўминлар, сабр қилингиз ва сабру-токат қилишда (кофирлардан) устун бўлингиз ҳамда доимо (кураш-жиход учун белингиз боғлиқ ҳолда) хозир бўлиб турингиз! Ва Аллохдан кўркингизким, (шунда) шояд нажот топгайсизлар!”** (Оли-Имрон, 200)

6) Душман билан рўбаро келганда собит туришлик.

7) Зикр[1] ва дуоларни кўпайтириш.

8) Аллох ва росулига сўзлару амалларда, ичда ҳам ташда ҳам итоат қилишлик.

9) Низо ва ихтилофлардан четланишлик. Буларга Аллохнинг сўзи далилки, **“Эй мўминлар, (кофир) жамоатга рўбаро бўлганингизда саботли бўлингиз ва доимо Алохни ёд этингиз, шояд нажот топурсизлар. Ва Аллох ҳамда Унинг пайгамбарига итоат килингиз ва (ўзаро) талашиб тортишмангизки, у холда сустлашиб, куч-куватингиз кетур. Сабр-токат килингиз! Албатта, Аллох сабр килувчилар билан биргадир”**. (Анфол, 45-46)

10) Имкони борича курашга хозирланиш, тайёрланиш.

11) Аллох йўлида инфок-эхсон килиш. Бунга Аллохнинг сўзидан далилки, **“(Эй мўминлар) имкони борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб кўйингизки, бу билан Аллохнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар билмайдиган- Аллох биладиган бошка бировларни ҳам кўркувга солурсизлар. Аллох йўлида нимани сарф килсангиз, зулм килинмаган холида комил килиб кайтарилур”**. (Анфол, 60)

12) Аллох ва росулига мухаббат кўйиш.

13) Мўминларга юмшок ва тавозеъли бўлиш.

14) Куч-кудратда илгор-устун бўлиш ва Аллохнинг душманларини хакир санаш, (мўмин, Аллохнинг авлиёлари билан хушмуомала, Унинг душманлари билан эса каттиккўл бўлиши лозим).

15) Кўрокликдан ва Аллохнинг кўрсатмаларига эргашишда тарадудланишдан холи бўлиш, (Аллохнинг шариатини татбик килиш, амру-маъруф ва нахий-мункар килиш). Бунга Аллохнинг сўзидан далилки, **“(Эй мўминлар), сизларнинг ичингизда кимда-ким динидан кайтса, Аллох бошка кавми келтирурки, Аллох уларни яхши кўрур, улар Аллохни яхши кўрурлар. Улар мўминларга хокисор, кофирларга эса каттиккўл, бирон маломатгўйининг маломатидан кўркмай Аллохнинг йўлида курашадиган кишилардир. Бу Аллохнинг фазлу мархамати бўлиб, Ўзи хохлаган кишиларга берур. Аллох фазли кенг, билгувчидир”**. (Моид, 54)

16) Аллохнинг динида шак-шубхадан сакланишлик ва Унинг ёрдамига комил тарзда ишониш.

17) Мол ва жон билан жиход килиш. Бунга Аллох сўзи далилки, **“Хакикий мўминлар факат Аллохга ва Унинг пайгамбарига иймон келтириб, сўнгра (хеч қандай) шак-шубха килмаган ва молу-жонлари билан Аллох йўлида курашадиган зотлардир. Анна ўшаларгина (ўз иймонларида) содик бўлган зотлардир”**. (Хужурот, 15)

18) Кофирларга ва мунофикларга нисбатан каттиккўл бўлиш ва улар билан курашиш, (жон билан, мол билан, тил ва дуо билан). Аллохнинг сўзидан бунга далил, **“Эй пайгамбар, сиз кофир ва мунофикларга қарши курашинг ва уларга каттиккўл бўлинг! Уларнинг жойлари жаханнамдир! Нақадар ёмон оқибат бу!»** (Таҳрим, 9)

Эй мўминлар! Осмонни устунсиз кўтариб кўйган зот-Аллохга касамки, Нусрат, галаба бомбалар ва канотли ракеталару харбий учоклар билан эмас, балки нусрат, сабот ва Аллохнинг ваъдасига бўлган катъий аниқ ишончдадир. **“Нусрат факат Аллохнинг хузуридандир”**

Мужоҳид биродарларимга айтадиганим: Курашга тайёр бўлинглар, таваккул килинглар ва Мусаббисиз (сабабларни пайдо килувчи зот-Аллохсиз) факат сабабларга боғланиб қолишдан эҳтиёт бўлинглар... Ёки сабабларни тутмаган холда Мусаббигга юзланишдан тийилинглар... Мусаббигга юзланиш-сабабларни тутган холда келиш билангина тўлик бўлади.... Фахм...Фахмли бўлинглар....

Иймондош биродарлар!

Биродарларингизни сизларнинг устингиздаги хаклари, Аллохга тазарруъ ва ёлвориш ҳамда хокисорлик ила ялиниб дуо килишларингиз ва дуоингизда уларга нусрат, муваффакият ва сабот сўрашингиздир. Ажабмаски, туннинг кўйнида, содик бир мўминнинг калбидан чиккан дуо-илтижо сабаби билан Аллох субханаху ва таоло куфр ва нифокнинг улкан кўшинларини халок этса, кўз очиб-юмгунларича уларни пароканда килса... Дуода бўлайлик, дуода бўлайлик, иймондош дўстлар, дуода..."**Бандаларим сиздан (эй Мухаммад) Мен хакимда сўрасалар, Мен уларга якинман, Менга дуо килган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат киламан**". (Бакара, 186)

Росулulloх саллаллоху алайхи ва салламдан жанг ва уруш вақтларида ўқиладиган бир канча дуолар ворид бўлган. Улардан: **Аллохим, бизга ваъда этган нарсангни (нусратингни) бизга ато этгин!**

**Аллохим, Сен бизнинг Ёрдамчимизсан! Сен мададинг билан курашамиз ва урушамиз!**

**Аллохим, биз Сени уларнинг рўбарўларига кўямиз, уларнинг ёмонликларидан Сендан панох тилаймиз!**

**Аллохим! Бизнинг хам, уларнинг хам Роббиси Ўзингсан! Калбларимиз хам, улар (кофир кавмлар) нинг калблари хам Сенинг кўлингдасан! Албатта, Сенгина уларни мағлуб киласан! Аллохим, бизга душманларимиз устидан Ўзинг ваъда килган нарсангни (галабангни) кўрсатгин!**

**Аллохим, нусратингни нозил килгин!**

Эй мусулмонлар, хушxabар олинглarki, «**Якинда ўша жамоат енгилиб, ортларига караб кочиb колурлар!** (Бугина эмас), балки уларга (мангу азоб учун) ваъда килинган вақт (Киёмат) соатидир. У соат янада балoлик, янада аччикдир!» (Камар, 45-46) Ва «**Огоҳ бўлингизким, Аллохнинг ёрдами якиндир**» (Бакара, 214) Аллох Улугдир...

**“Холбуки куч-қудрат Аллохники, Унинг пайгамбариники, мўминларникидир. Лекин мунофиклар (буни) билмаслар”.** (Мунофиқун, 8)

Абдул Вадуд Ахмад таржимаси

1424 йил, сафар ойининг 12-куни. (2003, 14-апрел)

[1] Зикрдан мурод Аллохни эслаш, зикрнинг энг яхшиси куръон карим тиловати, субханаллох, алхамду лиллах, Аллоху Акбар, Ла илаха иллаллох ва булардан бошка пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам таълим берган зикрлар. Зикрнинг маъносини баён килишимизга ундаган нарса Ўзбек тилининг изоҳли лугатида зикрнинг диний маъноси шундай изоҳланган: Мусулмонларнинг бирор рухоний етакчилигида давра куриб, худо ва азиз авлиёларнинг номларини баланд овоз билан тилга олиб, гайритабiiй харакатлар ва жазава билан ўтказадиган маросими. Бу билан уларни хам айбламокчи эмасмиз у бечоралар хам кўрган билаганини айтишганда. Холбуки Ислом дини бу каби жазава ва гайритабiiй харакатлар билан килинган зикрладан пок ва безордир. Бу зикрлар исломга ёт бўлган ўзларини мусулмонмиз деб даъво килиб ибодат анъаналарини насроний-христианлардан таълим олган СЎФИЙЛАРнинг йўлидир. (тахририят)